

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ № 14

« 19 » август 2022 й.

Ургут туман

Ургут шаҳар соғломлаштириш мактаб интернати, кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритилади, ўзининг **низоми** асосида иш юритувчи раҳбари У.Махмудов номидан, бир томондан ва “ALLIANCE AG” МСНЖ кейинги ўринларда “Пудратчи” деб юритилади. Ўзининг **устави** асосида иш юритувчи бошлик А.Ғайилов номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида тузилди.

1. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1 Ушбу шартнома буйича “Пудратчи” «Буюртмачи»нинг буюртмасига ва тузилган лойиҳа смета ҳужжатларига асосан **жорий таъмирлаш бажариш**, «Буюртмачи» эса бажарилган ишларни қабул қилиб олишни ҳамда тўловни амалга оширишни ўз зиммаларига олади.

1.2 Ушбу шартноманинг умумий суммаси **384 700 000 (уч юз саксон тўрт миллион етти юз минг) сўми** ташкил этади.

2. ШАРТНОМА БУЙИЧА КЕЛИШУВ НАРХЛАР

2.1. «Буюртмачи» томонидан тақдим қилинган ҳужжатларга асосан жорий таъмирлаш ишлари қиймати **384 700 000 (уч юз саксон тўрт миллион етти юз минг) сўм**

2.2. Таъмирлаш ишларининг бошланиши «19» август 2022 йил

2.3. Таъмирлаш ишларининг тугаши вақти «30» сентябр 2022 йил

3. ТАЪМИРЛАШ ИШЛАРИНИ БОШЛАШ, БАЖАРИШ ВА ТУГАТИШ БУЙИЧА ШАРТНОМАВИЙ МУДДАТЛАР

3.1. Таъмирлаш ишларини бажариш муддати мазкур шартноманинг 2.3. бандида кўрсатилган муддатгача амалга оширилади.

3.2. Шартномадаги 4.1 бандида кўрсатилган авансни «Пудратчи» олгандан сунг таъмирлаш ишларини бошлайди.

3.3. «Буюртмачи» томонидан таъмирлаш ишларини бажариш даврида «Пудратчи»га ўзи томонидан харид қилинган таъмирлаш материалларини тақдим қилиши мумкин.

3.4. Таъмирлашни тўхтаб қолганлиги учун сабабчи бўлган томон бунинг оқибатида келиб чиқадиган ҳар қандай камомад ёки жавобгарликни ўз зиммасига олади.

3.5. Таъмирлашни тугаллаб фойдаланишга топшириш учун тузилган комиссия далолатномаси тасдиқлангандан сунг таъмирлаш ишлари тамом бўлган деб ҳисобланади.

4. ТЎЛОВ ШАРТИ ВА ТАРТИБИ

4.1 Ушбу шартнома имзоланган кундан бошлаб «Буюртмачи» таъмирлаш ишларини бошлаш учун “Пудратчи”га шартнома нархининг 30 % ёки **115 410 000 (бир юз ун беш миллион тўрт юз ун минг) сўм** миқдорда аванс тулайди.

4.2. “Буюртмачи” тўловни пул ўтказиш йули билан амалга оширади.

4.3. “Пудратчи” ташкилоти томонидан шартномада кўрсатилган суммадан ошқича бажарилган ишлар учун «Буюртмачи» томонидан тўловлар амалга оширилмайди.

5. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

- 5.1. Шартнома баҳоси 384 700 000 (уч юз саксон тўрт миллион етти юз минг) сўм бўлган таъмирлаш ишлари юқорида келишилган муддатда тугатиб, бинони фойдаланишга топшириш.
- 5.2. Махсус таъмирлаш ишларини бажариш учун махсус ёлланма пудратчи ташкилотларни жалб қилади.
- 5.3. Ҳар ойнинг 30 санасида жорий ойда бажарилган таъмирлаш ишлари тугрисида ҳужжатлар «Буюртмачи»га тақдим қилиши шарт. Агар таъмирлаш мазкур шартномада кўрсатилган муддатда пудратчининг айби билан фойдаланишга топширилмаса, у ҳолда буюртмачига қуйидаги тартибда жарима тўлайди:
- таъмирлаш муддати 30 кунга кечиктирилса, шартнома баҳосидан 0,05 % миқдорида;
 - кейинги 30 кун учун шартнома баҳосидан 0,07 % миқдорида;
 - ундан кейинги муддатлар учун 0,10 % миқдорида;
- Жарима санкцияси буюртмачи томонидан билдирилган ёзма равишдаги даъводан кейин 10 кун муддат мобайнида тўлашиши шарт.
- 5.4. Пудратчи шартномада назарда тутилган маблағ доирасида ишларни бажаради ва шунга мувофиқ бажарилган ишлар тугрисида 4-сонли далолатномани тузади.

6. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

- 6.1. Шартномада курсатилган 4.1. ва 4.2. бандлари бузилса, «Буюртмачи» махсус ҳисоб-рақамидан ҳар бир кечиктирилган кун учун шартноманинг туланмаган нарҳини 0,04% миқдорида «Пудратчига» жарима тўлайди.
- 6.2. «Буюртмачи» таъмирлаш ишларини ўз вақтида белгиланган стандартларга ва амалдаги қонунчиликка асосан қабул қилиб олади.
- 6.3. «Буюртмачи» тасдиқланган сметасига мувофиқ бюджетда назарда тутилган маблағ доирасида шартнома тузади ва шартнома суммасига мувофиқ 1-сонли далолатномани «Пудратчи» билан биргаликда тузади.

7. ТОМОНЛАР ЎРТАСИДА ШАРТНОМАВИЙ НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ

- 7.1. Ушбу шартнома асосида келиб чиқадиган ҳар қандай низолар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчиликлари талабларига асосан ҳўжалик судларида ҳал этилади.

8. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

- 8.1. Мазкур шартнома «19» август 2022 йилдан «31» декабрь 2022 йилгача амалда бўлади.
- 8.2. Ушбу шартнома Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 122-моддаси 3-бандига мувофиқ тегишли тартибда Ҳазначилик булинмаларида рўйхатдан ўтказилгандан кийин қонуний кучга қиради.
- 8.3. Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, бир хил юридик кучга эга бўлиб ҳисобланади ва томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан берилади.

9. ФОРС-МАЖОР.

- 9.1. Айтиб булмайдиган, яни фавкулотда ва муйаян шароитларда олдини олиб булмайдиган зилзила, сув тошқини ва бошқа табиий офатлар форс-мажор туфайли тарафларда бир шартномани бажармаган ёки лозим даражада бажарилмаганлиги исботланмаса, жавобгар булмайди

10. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

- 10.1. Мазкур шартнома томонларнинг келишувига кура ёки бошқа томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, томонлардан бирининг талаби бўйича суд тартибда бекор қилиниши мумкин.

10.2. Мазкур шартномага ҳар қандай узгартириш ва қушимчалар улар ёзма шаклда содир этилиши ва томонларнинг бунга зарур даражада вакил килинган вакиллари томонидан имзоланиши шарт билан ҳақиқий ҳисобланади.

10.3. Мазкур шартнома томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан икки нусхада тузилади. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик қучга эгадир.

10.4. Мазкур шартнома, унга узгартиришлар (қушимчалар) «Буюртмачи» жойлашган жой бўйича рўйхатдан утказилгандан кейин бажарилиши керак.

11. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

Подрядчик: ООО ALLIANCE AG

Адрес: Пайарик туман Навруз МФЙ

Телефон: _____

Расчетный счет: 20208000100895322001

Банк: Алокабанк Тошкент ш бош офиси

МФО: 00401

ИНН: 305 626 434

ОКЭД: 41202



Рахбар: А.Ғайибов

(Ф.И.Ш)

М.Ў

(имзо)

*Ахмед
Ш. Мамадов*

Буюртмачи: Ургут шаҳар соғломлаштириш мактаб интернати

Манзил: Ургут шаҳар Торинжак МФЙ

ш/х: 100021860182367092300075001


бюджетдан маблағ олувчи СТИР 200783968

ОКЭД: 85200

Ургут тумани бўйича Газначилик булинмаси
23402000300100001010

Банк номи Марказий банкнинг Тошкент
шаҳар бош бошкармаси ХККМ

МФО 00014 Газначилик СТИР 201122919



Рахбар: У. Махмудов

(Ф.И.Ш)

М.Ў

(имзо)

2137216 07.02.2018 йил.



Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"ALLIANCE AG" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatigan holdagi to'liq nomi)

"ALLIANCE AG" MChJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

29.06.2018

619135

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR):

305626434

Tashkiliy-huquqiy
shakli:

Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi:

Samarqand viloyati, Payariq tumani, Oqqo'rg'on, Navruz MFY, Oqqo'rg'on
qishlog'i, 74,

Guvohnoma:

Samarqand viloyati, Payariq tumani, DAVLAT
XIZMATLARI MARKAZI,

tomonidan
berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi):

